



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2009 йил
4 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 88
(12.204)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

«Янги авлод – 2009»



ИСТЕЪДОД ЁШ ТАНЛАМАЙДИ



Вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази яна бир нуфузли тадбирга мезбонлик қилди. Бу ерда "Янги авлод – 2009" республика болалар ижодиёт фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Маданияти ва

санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ва унинг қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти ҳамда халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



2004 йилдан буён аъёнавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз истеъдодларини намойиш этишлари кўмаклашишдир.

2004 йилдан буён аъёнавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз истеъдодларини намойиш этишлари кўмаклашишдир.

лари, мумтоз ҳамда амалий санъат йўналишларига қизиқувчилар кўпайганлиги кувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: фестивалнинг вилоят босқичи кутилганидан ҳам қизиқари ўтати. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир округ сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти борасидаги билимини янада ошириш, шунингдек, округ сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини тўғри ташкил этиш, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий амал қилиш, уларнинг олдида турган долзарб вазифаларини белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов семинар-кенгашда ошар экан, мамлакатимиз парламентига ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов миллий сайлов қонунчилигини, ўшанда белгиланган очиклик, ошкоралик ва ҳолислик, ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича концепцияга қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига ўтган давр мобайнида мазкур Концепция асосида амалга оширилган ишлар ҳақида баътафсил маълумот берилди. Семинар-кенгашда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловни демократик тамойиллар, амалдаги қонунчилик нормалари ва талаблари асосида адолатли, очик ва ошкора ўтказилишини таъминлашдан иборат экани алоҳида қайд этилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш, "Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда очиклик ва ошкоралик тамойиллари" каби мазкурда маърузалар тингладилар.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА мухбири.

ИНСОН ОЗОДЛИГИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида "Одам савдоси – умумжаҳон миқёсидаги муаммо" мавзусида ижтимоий-сиёсий тадбир ўтказилди. Республика Маънавият тарбияот маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, корхона, ташкилот ҳамда ўқув муассасаларининг

маънавият ишлари бўйича масъуллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди. Анжуманда "Инсон озодлиги – олий қадрият", "Чегара билмайдиган жиноят", "Қулликка рози бўлманг" каби мавзуларда маърузалар тингладилар. Шунингдек, тадбирда мазкур жиноятнинг хавфи ва салбий оқибатларидан огоҳ этувчи, одам савдоси қурбонларига айланган қолган юртдошларимизни оилалари бағрига қайтарилиши ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги фильмлар намойиш этилди.

"Туркистон-пресс".

4 ноябрь – ЮНЕСКО ташкил этилган кун

МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ ОРҚАЛИ ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК САРИ

1945 йилнинг ноябрида Лондонда 37 мамлакат вакиллари иштирокида БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилотини тузиш бўйича конференция бўлиб ўтди. Қатнашчиларнинг мақсади "баъшариятнинг ақлий ва маънавий бирдмаллиги"ни таъминлашга ва шу орқали урушларнинг олдини олишга хизмат қилаётган тузилма барпо этиш эди. Анжуман якунида ЮНЕСКОнинг Низоми қабул қилинади ва 20 мамлакат ратификация қилгач, 1946 йил 4 ноябрь кунини ушбу ҳужжат кучга кирди. Кўп ўтмай Парижда ЮНЕСКО Бош конференциясининг биринчи сессияси ташкил қилинади.

ЮНЕСКО БМТ сингари иккинчи жаҳон урушининг оғир синовларидан кейин тузилди. Одамлар урушдан зада бўлган, қонли тўқнашуларга бутунлай чек қўйиш, янги низоларнинг олдини олиш мамлакатларнинг эзгу мақсадида айланган эди. Шу боис "совуқ уруш" даврида ҳам, халқаро майдонда юз берган бошқа кескинликлар чоғида ҳам ЮНЕСКО ўзининг олий мақсадаларидан чекинмади ва фаолиятини изчил давом эттирди. Ушбу ташкилот бугунги кунда 193 давлатни бирлаштирган.

Шу ўринда ЮНЕСКО фан, таълим ва маданият масалалари билан чекланмасдан, тараққиётга ёрдам кўрсатиш, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор бериб келаётган

риланг ёндашувларини ишлаб чиқиш учун ҳукуматларaro конференция чакрилди. Экологик муаммолар инсоният ҳаётида тобора аник намоён бўлаётган ўша даврда "Инсон ва биосфера" дастури ишлаб чиқилди. 1972 йилда жаҳон маданият ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра 1976 йилда жаҳон маданият ва табиий мероси бўйича қўмита тузилди. 1992 йили кутубхоналар, архивлар, илмий муассасалардаги нодир бойликлари муҳофаза қилиш мақсадида "Жаҳон хотираси" дастури иш бошлади. Айни пайтда китоб ва қўлёзмалар катерида аудио, видео ва киноасмалар ҳам ушбу дастур ҳимоясига олинган.

ЮНЕСКО хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор беради. Жорий йил Бош конференциянинг 35-сессиясида илк бор Бош директор лавозимига аёл киши – Болгария Республикаси вакили Ирина Боква сайланган ЮНЕСКО нафақат ирқий, миллий, этник, диний, балки жинсий тенгсизликка ҳам йўл қўймаслик тамойилларига содиқ эканидан далolat бўлди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги жуда кенг қамровли. Мамлакатимизнинг ушбу ташкилот билан фаол ҳамкорлиги, илм-фан, таълим, маданият соҳаларида халқаро алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, аждодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш, урганиш, тарғиб этиш йўлидаги саяё-ҳаракатлари, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида олиб бораётган ислохотлари жаҳонда кенг эътироф этилган. Хусусан, 1997 йилда илк бор, жорий йил иккинчи марта Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди. Юртимизда ўтказилган кўплаб юбилейларда, илмий-маданий анжуманларда, "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида ЮНЕСКО вакиллари иштирок этди. Айрим йилри байрамлар Ўзбекистон билан бир қаторда ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги, Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим муассасаларида таълим самардорлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир ойда муайян фанни янада чуқурроқ ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Октябрь ойи "Ўзбек тили ва адабиёти"га бағишланди.

ОЙЛИК ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимиз мазкур ойлик якунига бағишланган фестивал бўлиб ўтди.

Ойлик давомида юртимиздаги мавжуд ўн мингга яқин умумий ўрта таълим мактабиде "Ўзбек тили байрами", маърифий анжуманлар, олимпиада, тилшунослар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарбиятчилари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди. Айни пайтда ўқувчиларнинг билимини, ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида турли викириналар, танловлар, интеллектуал беллашувлар, фан олимпиадалари, китобхонлик кечалари ташкил этилди.

Фестивалда "Ўзбек тили ва адабиёти ойлиги"да фаол иштирок этган мактабларга бадиий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп нашрлардан иборат совғалар топширилди.

ЎЗА.

Ҳар қандай шароитда ҳам имконият излаб, айтган ҳосилини етиштиришга одатланган қатор фермер хўжаликлари бу йилги мураккаб мавсумда ҳам ўз анъаналарига содиқ қолиб, бошқаларга ўрнак кўрсатдилар. Айниқса, Бўқа туманидаги "Саркор" фермер хўжалиги ҳосилдорликни қарийб 50 центнерга етказгани ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Чиноз туманидаги доврўкли "Муқимий" фермер хўжалиги аъзолари гектаридан 41 центнердан хирмон кўтариб, вилоятнинг юқори ҳосилли хўжалиқларидан бири эканликларини яна бир бор исботлашди. Шунингдек, Ўртаҷирчиқ туманидаги "МаДоНиз", Чиноз туманидаги "Ўринбойхожи", "Чиноз агро фаз" каби ўнлаб фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 37-39 центнерга етказди.

— Давлат раҳбарининг эътиборини қозониш ҳар



МЕҲНАТСЕВАРЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК ВА ОМИЛКОРЛИК НАТИЖАСИ

бир меҳнаткашнинг эзгу орзуси ва бунга эришиши эса энг олий бахт деб биламан, — дейди Бўқа туманидаги "Саркор" фермер хўжалиги раҳбари Шерали Ражабов. — Ўртаҷирчиқнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриғида бизнинг туманимиз ва айниқса, фермер хўжалигимиз илғорлар қаторида тилга олингани мамлакатимизда сидқидилдан қилинган ҳалол меҳнат, албатта, қадри топилиши яна бир қарра тасдиқлади. Мен бундай қадр ва эътиборга жавобан ўз фаолиятимизни янада кенгайтириш ва ютуқларимизни кўпайтириб боришимиз зарурлигини яхши тушунаман.

— Деҳқонга кўп нарса керак эмас, — дейди "Муқимий" фермер хўжалиги раҳбари Муқим Эрҳўжаев. — Меҳнати қадрланса, муносиб тақдирланса, шунинг ўзи кифоя. Ўртаҷирчиқнинг табриқларини катта ҳаяжон билан ўқир эканман, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Деҳқонларнинг машаққатли меҳнати қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эғалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлангани фермерларнинг руҳини кўтариши, кучларига

(Давоми. Боши 1-бетда).



куч, ғайратларига ғайрат қўйиши шубҳасиз.

Фермернинг ушбу фикри айни ҳақиқат эканлиги бу йилги пахта йиғим-терими жараёнида ўз тасдиғини топди. Бутун мавсум давомида терим иштирокиларининг меҳнати узлуксиз рағбатлантириб турилди. Ҳар кунги тушлик пайтида аввалги кун терилган пахтанинг ҳақи нақд тўлаб борилади. Бундан ташқари ҳар беш кунликлар якунида энг

кўп пахта терганларга пул мукофоти ва қиймати ўн минг сўмдан кам бўлмаган қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Меҳнат қанчалик машақ-

қатли кечса, унинг пировард натижаси шунчалик мароқли бўлади, дейишди уста деҳқонлар. Қишлоқ меҳнаткашларининг бу йилги кунни тунга улаб қилган саъй-ҳаракатлари ана шундай мароқли якун топди. Улар эришилган ютуқлар завқини суриш билан бир вақтда, одатдагидек, келгуси йил ҳосили учун замин яратиш тадоригини бошлаш ҳаракатидалар. Эндики вазифа декабрдан кечикмай, кузги шудгорни якунлашдан иборат. Эрта шудгорланган ер узок муддат тин олиб, маромидга қувват тўплайди. Бу эса келгуси йил ҳосили учун илк заминдир.

— Пахтакорлар меҳнати-нинг пировард натижаси қай даражада бўлиши улар етиштирган хом ашёдан чиқадиган толаннинг қўғи ва сифатига ҳам боғлиқ бўлади, — дейди Чиноз пахта тазалаш заводи товаршуноси Хусниддин Мусиров. — Биз янги пахта ҳосилини қайта ишлашни аллақачон бошлаб юборганимиз. Ҳозирча 2000 тоннадан зиёд пахтадан қайта ишлаб, "Тошкент тола" терминалига 500 тонна тола жўнатдик.

Абдусамад Йўлдошев, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТАЛАРДА: пахта тайёрлаш шартнома режагарини Чиноз туманида биринчилардан бўлиб бажарган Мирзаодил Ақромов ва пахта қабул қилиш пункти товаршуноси Носирхон Зериев; ҳосилдорликни 45 центнерга етказган фермер Ҳабибулла Йўлдошев.

Даврон АХМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ХИРМОН БАРАКАСИ МЎЛ ҲОСИЛДАН

"Бекжаҳонгирро" Оққўрғон туманидаги энг юқори ҳосилли фермер хўжалиқларидан бири. Таҷрибали фермер Шухрат Астравуллов раҳбарлик қилаётган жамоа бу йилги оғир шароитда ҳам 37,4 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришди.

Қабул пунктларига шартномада белгиланган 100,5 тонна ўрнига 140 тонна сифатли хом ашё топширилди. Ҳосилдорлик 37,5 центнерга етди.

— Бу йилги мураккаб шароитда қўлимиздаги техника воситаларидан оқилона фойдаланганимиз ўз самарасини берди, — дейди фермер. — МТЗ-80 чопиқ ва транспорт тракторлари, мавжуд тиркамалар гўза парвариши ва йиғим-терим даврида оғиримизни енгил қилди. Ҳозир лизинг йўли билан битта хайдов трактори олиш

ҳаракатидамиз. Бунга эришсак, ишларимиз янада юришади.

Яна бир йирик "Бурхон" фермер хўжалиги ҳам шартнома мажбуриятларини қисқа муддатда ортиғи билан бажариб, туманининг умумий хирмонига муносиб ҳисса қўшди. Бурхон Курбонов бошлиқ жамоа 54,2 гектар майдондан шартномадаги 144 тонна ўрнига 160 тоннадан зиёд ҳосил кўтарди.

СУРАТДА: илғор фермер Шухрат Астравуллов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ЭЪТИБОР ВА ҲАМХЎРЛИК

Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 31-модда).

Мамлакатимизда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз ислом динининг барча арконлари, жумладан, муқаддас ҳаж амалларини эътибор-эркин адо этиб кеталётгани бунинг ёрқин далилидир. Юртимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш ҳамда диний бағрикенглик тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган бўлиб қўйилган.

Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан маълум қилишларича, бу йил ҳам беш минг нафардан ортиқ юртдошларимизнинг ҳаж зиёратига бориши режалаштирилган. Давлатимиз томонидан уларнинг муборак сафари кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Ҳу-

сусан, жорий йил зиёратчиларга Бухоро, Урганч, Термиз шаҳарлари аэропортларидан ҳам Саудия Арабистонига жўнаб кетиш имконияти очилди.

— Шу пайтгача вилоятимиздан ҳаж сафарига йўл олганлар Тошкентдан жўнаб кетарди, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Бухоро вилояти вакили Мухиддин Нўмонов. — Ўз-ўзидан аёнки, бунинг учун улар Тошкентга борар, ортиқча вақт ҳамда маблағ сарфларди. Эндиликда эса бундай

ортиқча ташвишга ўрин қолмади — бухоролик зиёратчилар Саудия Арабистонига тўғри Бухоридан жўнаб кетадилар. Шундай қўлайлик яратиб берган давлатимиз раҳбари Исрол Каримовдан беҳад миннатдоримиз.

10 ноябрь кун муборак ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи мамлакатимиздан Саудия Арабистонига йўл олади.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

4 ноябрь — ЮНЕСКО ташкил этилган кун

МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ ОРҚАЛИ ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК САРИ

Юксак умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб этиш, илмий ва маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва ўрганиш, миллатлараро ва динлараро дўстлик ва тотувлиқни таъминлаш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги улкан хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг икки олий нишони — Абу Али ибн Сино номидаги ҳамда "Боробудур" олтин медаллари билан тақдирланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон ЮНЕСКО шафёлигида ўтган кўплаб халқаро тадбирларга меҳмонлик қилган. Энг ёрқин мисоллардан бири Ижроия кенгаш 155-сессиясининг 1998 йилдаги якуний мажлисидир. Унинг ниятида "Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатлардаги фаолияти" деб номланган Тошкент декларацияси қабул қилинди. "Буюк илқ йўли — ўзаро ағлашув йўли" лойиҳаси амалга оширилди, унинг доирасида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонга қатор экспедициялари уюштирилди. "Қуролли можаролар чоғида

(Давоми. Боши 1-бетда).

маданий меросни муҳофаза қилиш" (1995), "Маданият соҳасига сармоя" (1997), "Банк соҳаси ва бизнесга янги технологияларни жорий қилиш" (1998) сингари мавзулардаги минтақавий ва халқаро конференциялар, ногирон болалар таълими, Орол муаммоси, ҳунармандлик, динлараро мулоқотга бағишланган йирик анжуманлар — булар ЮНЕСКО шафёлигида ташкил қилинган ва Ўзбекистонда ўтказилган тадбирлардир.

Бевосита фан ва таълим соҳасидаги алоқалар хусусида сўз кетар экан, аввало, 1995 йили Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари институти очилганини қайд этиш ўринли. Мамлакатимизнинг бир неча шаҳрида ЮНЕСКО кафедралари ва марказлари, ташкилот тизимига киритилган мактаблар бор.

Миллий қадриятларимиз, аждодларимизнинг бой илмий, маданий мероси билан жажон аҳлини таништиришда ҳам ЮНЕСКО билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг қадимий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бойсун фольклори ва Шашмақом инсониятнинг оғзаки

ва номоддий мероси дурдоналари деб эълон қилинган. Ҳастимомда сақланаётган Усмон Қўрғони ва Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тўпланган нодир кўлғемалар "Жажон хотираси" рўйхатига киритилган. Яқинда катта ашула ва Наврўз байрами ЮНЕСКОнинг Репрезентатив номоддий маданий мероси рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Буларнинг барчаси қадриятларимиз, тарихий обидаларимиз халқаро муҳофазага олинганини, шу билан бирга, уларнинг кенг тарғиб этилишини аналтади.

Маърифат тарқатиш, маданий ҳамкорлик орқали халқлар ўртасида дўстликни, дўстлик орқали бутун дунёда тинчликни, мушталамлашга хизмат қилаётган ЮНЕСКОнинг фаолият қўламини кенгайтиб бораверши, Ўзбекистон у билан янада фаол ҳамкорлик қилиб, алоқаларни ривожлантираверишига шубҳа йўқ. Зеро, бу ҳамкорлик негизида эзгу ғояларни рўйбга чиқариш борасидаги ҳамфикрлик, дўстлик, тинчлик ва тараққиётдан манфаатдорлик мужассамдир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

«Янги авлод — 2009»

ИСТЕЪДОД ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Фестивалнинг шаҳар ва туман босқичлари сентябрь ва октябрь ойларида ўтказилиб, 1900 ўғил-қиз ўз истеъдодларини намойиш этишди. Улар орасидан энг иқтидорли 833 ғолиб вилот босқичига етиб келди.

6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг ўз қўллари билан чизган суратлари, ясаган ўйинчоқлари, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги намуналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бир-биридан бежирим ва тақдорланмас ишларда иштирокчиларнинг дунёни болаларча тасаввур этишлари, фикр-мулоҳазалари, ўй-хаёллари шундоққина ақс этиб турарди. Ақсарият ишларда бугунги кунда долзарб бўлиб турган муаммолар мавзу қилиб олинганлиги таҳсинга сазовор. Айниқса, улар маромига етказиб иқро этган қўй-қўшиқлар мутахассисларнинг олқишига сазовор бўлди.

— Фестивалда иштирокчилари кўзлариданги учқунни қўриб қувондим, — деди Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган болалар мусика лицейи раҳбари, ҳакамлар ҳайати раиси Дилдора Жамолова.

— Уларнинг ҳар бирида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзига хос иқтидор ва қобилият бор. Шу сабаб, ғолибни аниқлашга қийналдик. Агар имкони бўлганида, уларнинг барини бир овоздан ғолиб, деб эълон қилган бўлардик. Лекин танлов ўз номи билан танлов. Унда болажонлар ғолибликдан ҳам муҳим бўлган дўстликни, бир-бирини ҳурмат қилишни, курашувчанлиқни ўрганишди.

Шундай қилиб, орзқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Фестивалнинг ғолиблари эълон қилина бошланганда зални гулдурос қарсақлар тўтиб кетди. Хаттоки, айримларнинг кўзида севинч ёшлари қалқиди.

Мумтоз йўналишда олмаликлик Ким Валерия (скрипка) ҳамда ўртаҷирчиқлик Асан Чабанасан (фортепьяно) ғолиб бўлишди. Бекобод шаҳри вакиллари Алина Мун, Анора Ғофурова ҳамда Олмалик вакили Арина Мўминхонова вокал йўналишида анча иқтидорли эканликларини намойиш этишди. Чирчиқлик Омонбек Рихсибоев ва Бўқа тумани 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Жасур Исмоилов миллий мусика асбобларини чалишда барчани ҳайратда қолдиришди. Ракс йўналиши бўйича бахслар ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Шоҳсанам Йўлдошева, Дилбар Эшматова ҳамда Ситора Сироҳованинг жозибадор рақслари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Шу йўналишда Ангреннинг "Родничок", Олмалиқнинг "Бриллиант", "Ғунча", "Шаҳноз" ҳамда "Бинафша" гуруҳларининг чиқишлари йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди. Тасвирий ва амалий санъат йўналишида ғолибликни фақат олмаликлик эгаллашди. Наср ва назм йўналишида ангреник Муқаддас Оқмаматова ҳамда Янгийўл шаҳри вакили Дилдора Ўсарқулова ғолиб бўлишди. Энди ғолиблар 12-17 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган республика босқичида иштирок этишади.

— Чизган расмларим бу даражада юқори баҳоланишини кутмагандим, — деди амалий ва тасвирий санъат йўналиши бўйича ғолиб Шаҳноз Мамиров. — Биздек болажонларнинг иқтидори ва санъатини юзага чиқариб, муносиб рағбатлантириш масқадига олиб-югураётган ташкилотчилар ҳамда жонқуярларга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Хуришда НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 3 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1360,56
1 Англия фунт стерлинги	2477,24
1 Дания кронаси	298,64
1 БАА дирҳами	409,65
1 АҚШ доллари	1504,55
1 Миср фунти	274,95
1 Исландия кронаси	12,01
1 Канада доллари	1396,07
1 Хитой юани	220,39
1 Малайзия ринггити	439,28
1 Польша злотийси	521,51
1 СДР	2392,07
1 Туркия лираси	998,37
1 Швейцария франки	1472,59
1 ЕВРО	2235,85
10 Жанубий Корея вон	12,71
10 Япония иенаси	166,80
1 Россия рубли	51,79
1 Украина гривнаси	188,07

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида физикавий электрониканинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

ФИЗИКАВИЙ ЭЛЕКТРОНИКА САМАРАЛАРИ

Унда мамлакатимиз илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрлари олимлари, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар билан бир қаторда МДХ республикалари, Германия, Австрия, Франция, Италия, Жанубий Корейдан мутахассислар ҳам иштирок этиди.

Анжуманда таъкидланганидек, физикавий электроника соҳасини тараққий этиши ҳамиятнинг барча жаҳонларини ривожлантиришга хизмат қилади. Илм-фан-

нинг ушбу йўналишида қўлга киритилган ютуқлардан электроника соҳаси билан бир қаторда металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, экология, кимё соҳаси ва бошқа кўплаб соҳаларда кенг фойдаланилаётгани ўз самараларини бераётди.

Анжуманда физикавий электрониканинг муҳим масалаларига бағишланган маърузалар тингланган ва муҳокама этилди.

ЎЗА.



ИШОНЧГА ЯРАША МАСЪУЛИЯТ

Транспорт инфратузилмаси Ўзбекистон иқтисодий ва саноат ишлаб чиқариши тараққиётининг асосий таянчларидан бири саналади.

Бу борада юк ташиш тизими хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, темир йўллари орқали GM Uzbekistan ва юртимизнинг бошқа нуфузли корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қимматбаҳо маҳсулотларни ўз манзилга беэиён ва хавфсиз етиб боришида юк ташиш гуруҳларини қузатиш билан шугулланувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармаси маҳсус милиция батальонининг муносиб ҳиссаси бор. Тармоқ ҳодимлари ҳар йилининг 4 ноябрь санасини мазкур тизим ташкил этилган кун сифатида нишонлашга одатланишган.

Маҳсус батальон 1996 йилда Вазирлар Маҳкама-

сининг қарори билан мамлакатимизда автосаноат маҳсулотлари ва бошқа юкларни транспортда ташишининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида шакллантирилди. Бугунги кунда у замонавий, ҳаракатчан, йўлда рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятни бартараф этишга қодир гуруҳга айланди. Ўз вазифаларини самарали адо этиши учун бўлимига энг замонавий технология ва ускуналар билан таъминланган.

Жорий йилининг 9 ойидан транспорт батальонини ҳодимлари томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқаришга алоқадор автомобил ва ахтиёт қисмлар орттилган 30 мингдан ортиқ вагон улар ҳамоҳулида манзилга ўз вақтида, бекам куёт етказилди.

ЎЗА.

МАҚСАД САРИ ҚАДАМ

Кейинги вақтлар вилоятимиздаги йирик саноат корхоналарининг табиий софликка етказиб қилинган зарарларига барҳам бериш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. Биргина Чирчиқ шаҳридаги "Максам-Чирчиқ" корхонасида бу борада олиб борилаётган ишлар ҳам фикримизга далил бўла олади.

Айни пайтда корхонада соф ривожланиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳанинг баҳоси 1 миллион АҚШ долларига тенг. Хозиргача унинг 627 минг долларга ўзлаштирилиб, қўзда тутилган ҳужжатлар келтириб ўрнатилди. У тўлиқ амалга оширилган, корхонада ҳавога чиқарилаётган азотли ташламаларнинг ҳажми 1250,9 тоннага камайдди.

Бундан ташқари, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида ҳам бу борада айтилаётган саноат-ҳаракатлар олиб борилаётган. Атмосферага чиқарилаётган зарарли чикиндиларни камайтириш учун 450 минг евро миқдорда маблағ сарфлаш қўзда тутилмоқда.

Шунингдек, вилоятда автотранспорт воситаларини бензиндан экологик тоза газга ўтказиш ҳаракатлари қўламини ҳам бошқича-бошқича кенгайтириш бўлиб, шу вақтгача олти мингга яқин автомобил-биле воситалари экологик тоза газ ёқилишига ўтказилди.

Рўзибой ҚҮЛДОШЕВ.

АСАЛ ЕТИШТИРИШ КЎПАЙМОҚДА

Йилнинг исталган фаслида юртимиз бозорларида ранго-ранг, бир-биридан ширин, мазаси тилани ёрадиган сархил мевалар, полиз экинлари кўзингизни қувватлади. Парҳез гушт маҳсулотлари-ю, минг бир дардга даво асалнинг турфа хиллини расталардан исталган лойда топши мумкин.

Мамлакатимизда пурвиқор тоғлар, ям-яшил боғлар, ўрмонлар бисёрлиги боис асаларчилик тармоғини ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳўжаликлар ҳамда яқна тартибда иш юритувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. 2009-2011 йилларда асаларчилик соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури бу борада янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармасидан маълум қилишларича, ҳўзир мамлакатимизда асал етиштиришга ихтисослашган ҳўжаликлар сони 1400 дан ошган. Мазкур ҳўжаликлар томонидан жўрий йилнинг ўтган даврида қарийб икки минг тонна асал етиштирилди.

Ў.А.

Ер – эл бойлиги, қишлоқ ҳўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ер ресурслари тўғрисида сўз борар экан, аввало бирер ер қўрасининг устки говак қатлами бўлган тупроқнинг унумдорлиги, муҳофазаси, ундан тўғри фойдаланиш каби жиҳатларга тўхталиб ўтиш жоиз. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90 фоиздан ошиги сўғориладиган майдонларда етиштирилади. Шу тўғрйли ҳўкуматимиз томонидан ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофаз қилиш борасида қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Маълумки, деҳқончилик маданиятининг шаклланиши билан тупроқнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти кескин ошиб борди. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча озиқ маҳсулотлари ва қўллаб бошқа табиий ресурсларни бевосита ёки билвосита тупроқдан олади.

Афсуски, инсоният тарихи давомида 2 миллиард гектардан ортиқ унумдор тупроқли ерлар яроқсиз ҳолга келтирилган. Хар йили сайёраимиздаги қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли ерлар майдони шўр босиши, чўлга айданиши, емирилиши натижасида 5-7 миллион гектарга камаймоқда.

Маълумотларга кўра, деҳқончилик мақсадларида ишлатиладиган ерлар курраи заминнинг атиги 10 фоизини ташкил қилади. БМТ тадқиқотлари эса, сайёраимизнинг фойдали ерларига замонавий агротехника билан ишлов берилса, ер юзида 40 миллиард аҳоли ўртача таъминот билан яшайиш мумкинлигини кўрсатади.

Тупроқ қатламнинг ҳозирги ҳолати биринчи навбатда қишлоқ жамиятининг фаолияти билан боғлиқ. Инсон заминнинг асосий ҳимоясиз сифатида тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун курашиши зарур. Лекин шахар ва йўлларнинг қурилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, агротехника

ЗАМИН ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

тадбирларининг талабга жавоб бермаслиги натижасида қўп ҳолларда бунинг акси бўлмоқда. Шунингдек, табиатда шамол ва сув таъсирида тупроқларнинг емирилиши ёки эрозияси кузатилаётган.

Антропоген эрозия тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланишнинг оқибати бўлиб, унинг асосий сабаблари ўрмон ва тўқайларни камайтириб юбориш, яйовларда чорва молларини боқиб қолдирилган амал қилмаслик, палапартиш деҳқончилик ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслиқдир.

Кўрғоқчил ерларда чўлга айланиш жараёнларининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳаракатчан қумларнинг йўлини тўсиш, "яшил қалқонлар" бунёд қилиш билангина зарарли камайтириш мумкин. Норасмий маълумотларга кўра, ҳар кўни ер юзидаги эрозия натижасида 3500 гектар унумдор тупроқли ерлар ишдан чиқади. Сув эрозияси тоғолди ва тоғли туманларда, шамол эрозияси эса текисликларда кўпроқ кузатилади.

Тупроқларни ифлослашишдан сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ ҳўжалигида зараркунанда-ларга, бегона ўтларга ва турли касалликларга қарши курашда кенг фойдаланиладиган пестицидлар, гербицидларни меъёридан ортиқ ишлатиш ҳам тупроққа жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Пестицидлар тупроқдаги фойдали микро-организмларни нобуд қиладди ва чириндининг камайишига олиб келади. Ма-салан, ДДТ пестициди қўл-ланилганидан 25 йилдан кейин ҳам тупроқ таркиби-да мавжудлиги аниқланган.

Тупроқлар саноат корхона-лари, транспорт чикин-дилари, коммунал-майиш чикиндилар билан ҳам ифлосланади. Кимё ва метал-лургия, тоғ-кон саноати корхоналари тупроқни, ай-никса, кучли зарарлайди. Шу тўғрйли тупроқда сил-моб, кўрғоқчин, фтор ва бошқа ўта захарли бирик-малар тўпланиб қолади. Бу эса ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, қолаверса, ин-сонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг-дек, ерости бойлиқларини

қазиб олишда ҳам қўллаб унумдор тупроқ қатламла-рига зиён етди.

Инсониятнинг яшаш бос-қичлари асосий ишлатилган қазилмалар номига мос равишда "тош даври", "бронза даври", "темир даври" деб номланган. Вақт ўтиши билан фойдали қазилмаларни қидириб то-

рилишини таъминлаш, шу-нингдек, чикиндиларни ат-роф-муҳитга зарарли таъси-рининг олдини олиш мақ-садида "Аммофос" очик акциядорлик жамиятида қуввати йилга 10 минг тонна фосфогипсини қайта ишлагга мўлжалланган ус-куна ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси

яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналиш-лари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида-ги маърузасида бугунги кўнда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи, сўғори-ладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаган эди. Ҳозирги вақтда сўғори-ладиган ерларнинг қар-ийб 325 минг гектари, яъни 8 фоизининг мелiorатив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало, тупроқнинг шўрланиш даражаси юқори-лиги ва сизот сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхши-лаш тизимини тубдан тако-миллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги Фармо-ни бу борадаги вазифалар-га алоҳида устуворлик бер-ди.

Шу асосда ҳалқимиз тур-муш тарзини яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-лари етиштирувчиларга за-рурий шарт-шароитлар яра-тиб бериш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдала-ниш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқ-да. Олим ва мутахассисла-римиз томонидан бу бора-да жуда муҳим ва самарали илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, қишлоқ ҳўжалигида кенг таътиқ этилмоқда.

Ўйлаймизки, бундай узокки қўллаб қилинаётган саъй-ҳаракатлар тез орада жуда катта самара беради.

Ҳолтўра СУВОНОВ,
вилоят табиатни
муҳофаз қилиш
қўмитаси раиси.

ЭЗГУ НИЯТ БИЛАН

Ўсимлик дунёси ёруғ оламни гўзаллик, нафосат тўмсолига айлантирувчи бебаҳо неъматдир.

Мутахассислар фикри-ча, бир гектар ўрмонзор бир йилда 2-5 тонна кис-лород ишлаб чиқариб, 3-6 тонна карбонат ангид-рид газини ютади. Ҳаво-ни саноат чикиндилари-дан, газ ва бошқа зарар-ли моддалардан тозалай-ди.

Шу нуқтаи назардан ҳам Олмалиқ табиатни муҳо-фаза қилиш минтақавий қўмитаси Вазирлар Маҳка-масининг махсус қарори-га асосан япон сафараси қўчаларини экиб қўпайти-риш бўйича олиб борган саъй-ҳаракатлари ўз сама-расини бера бошлаши ки-шини қувонтиради. Ай-никса, бу борадаги юмуш-лар Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида ало-ҳида мазмун-моҳият касб этди. Яъни қўчаларда, ма-ҳалларда, қишлоқларда, фермер ҳўжаликлари да-лаларида ободонлашти-риш ва кўкаллазорлашти-риш ишлари жадаллашди. Яъни ният билан бошлан-ган бу ҳаракатлар инсон саломатлиғига хизмат қиладиган биохилма-хил-лики таъминлаши шубҳа-сиз.

Севара ЖўРАЕВА,
Олмалиқ табиатни
муҳофаз қилиш
минтақавий
қўмитаси
мутахассиси.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

У нималарда намоён бўлади?

"Инсон – табиатнинг ҳўжайини, деган давво, айникса, Марказий Осиё минтақасида қўллаб одам-лар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун жоғида айланган". Бу иборани Президентимиз бундай анча йиллар аввал "Ўзбекистон XXI аср бўса-гасида" номли китобида келтирган эди.

Шу нуқтаи назардан ҳам табиатни муҳофаз қилиш, у билан ўзаро муносабатларни оқилона йўлга қўйиш давлатимиз қонунчилигида мустаҳкам асосини топган. Хусусан, республикаимизнинг асо-сий Қомусида табиат бой-ликлари: сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умумийлик бойлик ҳис-обланиб, давлат томони-дан ҳимоя қилинажга алоҳида қайд этилган.

Ҳозирги кўнда ҳал қилинаётган муаммолар-нинг муваффақиятли нати-жалари аксарият ҳоллар-

да экологик билимлар, қарашлар, фаол экологик ҳаракатларнинг диалектик бирлигида намоён бўла-диган шахсининг экологик маданияти ҳолатидан ке-либ чиқади.

Экологик онг билимлар яхлитлиги бўлиб, жамият ва табиатнинг ўзаро таъ-сири, замонавий илмий асосланган стратегия, муштарак маслак ва ама-лий қўнимчаларни ҳамда табиатни муҳофаз қи-лиш, ундан оқилона фой-даланиш борасидаги йў-налишларни ўзига жам-лайди.

Бошқача қилиб айтган-да, у қўндалик, назарий, ҳиссий ва мафқуравий экологик билимлар йи-гиндисидан иборат бўлиб, экологик қарашлар, го-ялар, назариялардан тар-киб топгандир.

Дилшод ҚАҲҚОРОВ,
Охангарон минтақавий
табиатни муҳофаз
қилиш қўмитаси
давлат нозир.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти
табиатни муҳофаз қилиш
қўмитаси саҳифаси



Ўлкамизда куз...

Рассом кинояси



Хусан СОДИКОВ чизган расм.

БИР ТОМЧИ СУВ ҚАДРИ

Аҳолининг экологик маданиятини оширишда, уларни дунё миқёсида содир бўлаётган глобал экологик муаммолардан тортиб, маҳаллий экологик масалаларнинг келиб чиқишдан хабардор қилиш, ота-боболаримизнинг сувга, тупроққа, жам-мики табиат неъматларига бўлган муносабатини ҳамда унинг аҳамиятини тарғиб этиш муҳим ҳисобланади.

Сув – бебаҳо неъмат, аммо унинг захиралари битмас-туганмас манба эмас. Шу боис юртимизда чуқур ерости сувлари ҳосил бўладиган табиий ҳудудларни экологик тоза, соф сақлаш учун шу юрда яшовчи ҳар бир фуқаро шахсий масъули-гини теран англамоғи зарур.

Юртимизнинг табиий сув манба-лари йилнинг бойлигини, уни ас-раш, авайлаш, келахак авлодлари-мизга соф ҳолида етказиш барча-миз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Сув – сайёраимиз биохилма-хилли-гининг асосий тиркилик манбаидир. Гарчи ер шарининг қарийб тўртдан уч қисми, яъни 71 фоизи сув билан қопланган бўлса ҳам, чуқур сув, умумий сув миқдорининг 2 фоизга яқинини ташкил этади, ҳолос.

Она заминимизда ҳаётнинг боқий-лиги қўп жиҳатдан ердаги сув ман-баларини, айникса, чуқур ичимлик сувлари захираларини асраш, иф-лослантирмаслик, ундан тежаб-тер-габ фойдаланишимизга боғлиқдир. Афсуски, сўнгги ўз йиллиқда инсон-нинг табиатга антропоген таъсири, сув ресурсларидан ҳўжасизларча фойдаланиш оқибатида ер юзида глобал иссиқ, иқлимий ўзгаришлар, сув захираларининг камайиши каби салбий ҳолатлар кузатиляпти. Оқибатда бугун инсоният сув ресурсларининг ижтимоий, иқтисодий му-

аммоларига дуч келяпти.

Экологик муаммолар ҳудуд ёки чегара билмайди. Бинобарин, сув ресурслари муаммосидан бизнинг ҳудудимиз ҳам мустасно бўлмасли-ги табиий ҳолдир. Маълумки, Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган "Атроф-муҳит ва таракқиёт" маърузасидаги конференциясида жа-хон жамоатчилигининг эътибори сув муаммосига қаратилган эди. Унда сув ресурсларидан тежаб фойдала-ниш, соф сақлаш масалалари юза-сидан тақдирлар қабул қилинган. Айни вақтда ер юзининг 6 милли-ард аҳолисининг 1,2 миллиарди тоза ичимлик сувиға муҳтож, 2,3 мил-лиард одам эса санитар талаб дара-жасига мутлақо жавоб бермайдиган сувдан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яна бир муаммо, дунё аҳолисининг ҳар 10 дан 4 нафари тоза ичимлик суви етиштиладиган ҳудудларда яшайди. Бундай ҳолат 2025 йилга келиб, 5,5 миллиард аҳолига тоза ичимлик суви танқис-лиги муаммосини тўғдириши мум-кин.

Кези келганда мутахассис сифа-тида айрим мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман. Табиатдан, сув ресурсларидан оқилона, тежаб фой-даланиш аввало бир, уни истёмо-л қилувчиларнинг – аҳолининг сувдан

фойдаланиш маданиятига ҳам боғ-лиқлигини унутмаслигимиз керак. Қўмитанинг жойлардаги мутасадди ҳодимларининг саъй-ҳаракати, аҳоли орасида олиб борилаётган тушу-нтириш, тарғибот-ташвиқотларга қарамай, баъзан сувнинг қўр-қуро-на ифлослантирилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Сув ресурсларидан фойдалану-вчилар амалдаги қонунчиликка риоя этишлари, бу борада белгиланган чора-тадбирларнинг тўла-тўқис ба-жарилишига, яъни сувнинг ма-гистраль каналлардан тортиб то да-лага борғунига қадар қатъий ҳисо-бини юритишга, умуман, сувнинг беҳуда сарфининг олдини олишда доимий эътиборда бўлишлари ке-рак. Айникса, сувдан фойдаланиш кўрсаткичларини кўтариш учун ка-нал ва коллектор-зовур ўзанилар-ни мунтазам тозалаб туриш, сўғори-риш ва шўр ювиш ишларини амал-га ошириш вақтида, сув исрофгар-чилиғига йўл қўймаслик чоралари-ни белгилаш, сўғоришнинг илгор технологиялари (томчилаб сўғориш, ёмғирлатиб, навбатма-навбат, туп-роқ остида сўғориш ва ҳоказо) бошқича-бошқич жорий қилиниши керак. Ана шунда ҳудудимиз сув ре-сурсларидан фойдаланишда биз на-фақат экологик хавфсизлиқни таъ-минлаган, балки унинг оқибатида келиб чиқши мумкин бўлган иж-тимоий, иқтисодий, экологик муам-моларнинг олдини олган, эртанги

қуниимиз истиқболи ва фаровонли-гини таъминлашга замин яратган бўламиз.


Юртимизда асосан 77 та манба-да чуқур ерости ичимлик сувлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий за-хираси 57,6 млн.м³/суткини ташкил этади. Ерости сув захираларининг 24,6 фоизи вилоятимизда ҳосил бўлади.

Мамлакатимизда 19 та чуқур еро-сти сувлари ҳосил бўладиган жами 407,36 минг гектар майдонга муҳо-фаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилган. Шунингдек, ушбу чуқур ерости сувлари ҳосил бўла-диган республика аҳамиятига эга 11 та ва вилоят аҳамиятига эга бўлган 8 та ичимлик суви захира манба-ларини муҳофаз қилиш бўйича жой-ларда тегишли чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Бу ҳудуддаги ерости ичимлик сувларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектлари фаолияти на-зоратга олинган. Шунингдек, таъ-кидлаб ўтиш лозимки, юртимизнинг ерости сувлари умумий сув ресурсларининг ажралмас қисми бўлиб, шахар, қишлоқлар аҳолисининг, са-ноат, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотла-рини қайта ишловчи корхоналар-нинг асосий сув манбаси ҳисобла-нади.

Муҳаммад МАМАНАЗАРОВ,
Давлат табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси ер ва сув назорати бош бошқармаси бошлиғи.

Саҳифани вилоят табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси мутахассиси Одил ЗУЛТОНОВ ва "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Ғайрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

Спорт Спорт Спорт Спорт



ОЛТИН МЕДАЛЛАР МУБОРАК!

Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ўтаётган ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан олинган маълумотларга кўра, ёпиқ атлетиканинг баландликка сакраш баҳсларида ҳамюртларимиз На-

дежда Дусанова 1,93 метр натижа қайд этиб, терма жамоамиз газнасига ilk олтин медални келтирди. Леонид Андреев эса лангарда сакраш баҳсида 5,60

метр натижа кўрсатиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Узуликка сакраш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган яна бир спортчимиз Юлия Тарасова кумуш медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

РАКЕТАМОДЕЛЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкент вилоятидаги "Аранчи" аэродромида ракетамодель бўйича ўтган Ўзбекистон чемпионатида саксон нафар спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташилотининг Республика техника ва амалий спорт турлари марказидан маълум қилишларича, сирдарёлик И. Иброҳимов, наманганлик Н. Зайлиддин, пойтахтлик А. Амиров ва К. Болахонов ўз йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган. Умумжамоа ҳисобида сирдарёлик ракетамодельчилар биринчи, Тошкент шахри спортчилари иккинчи, наманганликлар учинчи ўринни банд этди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.



ИСТЕЪДОДЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Меҳр нури" жамғармаси томонидан таъсис этилган таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари ғолиблирини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга пухта билим бериш, истеъдодини намойиш этиш учун қулай шароит ва имконият яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим даргоҳларини барпо этиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва

қобилиятини юзага чиқариш, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш имконини бермоқда.

Мазкур йўналишда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида қатор ибратли ишлар амалга оширилган. Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга йўналтирилган турли ижодий кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувлар, турли фестиваллар,

анжуманлар, маърифий лойиҳалар бунинг далилидир.

Таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари фаол, изланувчан, ташаббускор йигит-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ўз йўналиши бўйича пухта билим олиши учун имкон яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда таълим, спорт грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурларининг 244 нафар совриндорига дипломлар топширилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намоиш этилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



ЭСКИ ТОМОША ЯНГИ ТАЛҚИНДА

Республика Ёш томошабинлар театрида "Қизил шапкача" асари янги талқинда намоиш этилмоқда.

Ушбу асар таниқли ёзувчи, драматург, киноценарист Евгений Львович Шварц қаламига мансуб. Унинг драматургик ижодида ҳақиқат ва фантастика, оддийлик ва мўъжиза, дол-

зарблик ва абадиётнинг табиий ғоғналигини асосий ўрин тутди. У халқ эртаклари сюжетларини ўзининг ҳаққоний, бадиий дунёси билан бойитиб, ажойиб асарлар яратишга эришган.

Асар ёш режиссёр Асқар Олтинбековнинг янгича талқини асосида сахна юзини кўрди. Режиссёр ундаги қаҳрамон ва персонажларни замонамизга яқинлаштирган. Шундай қилиб, эртак замонавий, ёрқин ва жозибадор, музиккий томоша тусини олган.

"Туркистон-пресс".

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Корхона, ташилот, муассаса раҳбарлари, тадбиркорлар, шахримиз ва вилоятимиз аҳолиси диққатига!

Тошкент вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси Ўзбекистон Республикаси ва Хамдустлик мамлакатларида чоп этилаётган матбуот нашрларига (газета ва журналларга) 2010 йил учун обуна кампанияси давом этаётганини маълум қилади.

Хурматли обуначилар! Биз сиз обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ва теъдори билан етказишга тўлиқ ғафолат берамиз! Бундай имкониятни қўлдан бой берман!

Шунингдек, обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча хоҳловчи фуқароларни шартнома асосида ҳамкорликка таклиф этамиз! Жамоатчи обуначилар ўзaro тузиладиган ҳамкорлик шартномасига кўра рағбатлантирилади.

Мурожаат учун телефонларимиз:
(8 371) 233-13-04, 470-27-08.

Манзил: Тошкент шахри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Даллоллар билан совчиларга иш қолмади, мен сизларга айтсам: бозорлари буткул касод бўлди. Одамлар эълолар орқали иш пиштадиган бўлиб кетишди. Газета-журналларни арақлайсиз эълон. Радийонинг қўлини бурасиз – эълон, телевизорни қўясиз – эълон... Хиёбону бекатларни қўяверасиз, буткул ўзлариники қилиб олишган: "Оламан, сотаман, эрга тегаман, ижарага бераман, алмаштираман... Торт пиширишни ўргатаман, кучгимни излайман, семиртираман, оздирман, шимимни вақтинча ижарага бериб туришим мумкин..." Уй керакми, хотин керакми ёки шим, пахалиска? Яна денг соатларини ёзиб қўйишган: "Уй кераклар кеч соат еттигача, хотин кераклар йигирма тўртгача, шим кераклар эрталабгача мурожаат қилишлари мумкин!"

"Тиллога тенг маслаҳатлар берамиз", деган эълон жа диққатини тортворди. Телефон қилдим.

"Тиллога тенг маслаҳатлар фирмаси" эшитди! – дастакдан хотинсифат эркекнинг ёки эркексифат хотиннинг овози эшитилди.

– Қандай мавзуларда маслаҳатлар бера оласиз? – деб сурдим.

– Истаган мавзуда маслаҳат беришимиз мумкин.

– Масалан ёзувчиларга ҳам маслаҳат бера оласизми?

– Хе-хе-хе! Биз ҳатто министрларга ҳам маслаҳат беришимиз мумкин. Нима бўлайти, воқеаларни чўзолмаспизми, ё қаҳрамонингиз сизнинг гапингизга кирмаяптими?

– Йўқ. Асарни яхши бошламан, – шомасдан тушунтира кетдим. – Воқеалар ҳам Мексиканинг сериалларига ўхшаб аччиқ ичкадай қўзилиб кетаверилади. Фақат охирига келган-

да... – Воқеа портламайди! Топдимми? – дастакдан овоз келди.

– Топдингиз.

– Дардингиз тушунарли. Тўқсон тўққизинчи рақам билан рўйхатга олиндингиз. Эсингиздан чиқмасин – тўқсон тўққиз? Дардингизни ёзиб олдик. Уни ёзувчига айтамыз, ўзининг олтинга тенг маслаҳатларини беради.

– Ие, қанақа ёзувчига?

ди. – "Тиллога тенг маслаҳатлар фирмаси"ми? денг. Номерингизни айтинг!

– Тўқсон тўққиз.

– Хўп, яхши, ўрток, тўқсон тўққиз, – акам давом этди. – Қўлингизга қоғоз-қалам олиб, маслаҳатларимизни ёзиб олинг. Уларга қатъий риоя қилинг. Қоғоз-қалам олдингизми? Хўп, унда ёзамиз: "Бола-ни эмишдан олдин қўлни совун билан яхши-

– Адашдингиз, шекилли, ака, мен она эмас, ёзувчиман! – Ие, шунақами?! – дастакдан хиринглаган овоз келди. – Маслаҳатни текинга пуллаворибмиз-ку! Майли, майли фойдадингиз. Олтиш олтин тўқсон тўққиз деб, ўқиб юборибман. Мана сизга тегишлисини топдим. Ёзамиз. "Қўй гўшти билан эчки гўштини

ерга кўмилади. Илдиэни осмонга қилиб экиш тавсия қилинмайди!" Шуми, ака?

– Хов, ёзувчи билан боғбоннинг фарқига борасизми?

– Борамиз, борамиз. Ёзувчи ёзади, боғбон экади. Тўғрими? Энди, биродар, мундоқ қилсак, ёзувчи бўлсангиз ҳамма нарсани билишингиз керак. Шунга маслаҳатларни бир бошидан ўқийверсам, сиз керагини ёзиб олиб, кераксизини ўтказиб юбораверсангиз. Майли, уларга пул олмайман, маъқулни?

– Наилж, – дедим бўшашиб.

– Унда бошладик. "Пайпоқни оёққа, дўппини бошга қийган маъқул, аксинча қийиш кўрсатмаларга ҳилофдир. Мабодо туфлингиз сикаётган бўлса, шимингиз тасмасини бўшашиб юрманг, фойдасиз. Яхшиси туфлинги ёзиб, қўлиққа қисиб олинг. Галстукни қўйлақнинг устидан, костюмнинг остидан тақдан маъқул. Уни майка устидан тақиб ёки белга боғлаб юрсангиз, кулги бўлишингиз мумкин. Овқатни қўл билан енг..."

Унинг маслаҳатларини эшитиб туриб, олдин бошим қизиди. Шифокор маслаҳатларига ўтганда қон босимим кўтарилиб, юрагим ўйнай бошлади. Аммо унинг жағи тинмади: – Мабодо юрагингиз ўйнаётган бўлса, ўт ўчириш ёки газлаштириш идорасига қўнғироқ қилиб юрманг. Тўппа-тўғри "тез ёрдам"ни қақирганингиз маъқул!


Дастакни отиб юбордим. Аммо унинг гаплари қўлигимга ўқдай қилиб, кўрғошдек ўрнашди: – Агар пул топиб, ақл топмаган бўлсангиз, бировларнинг маслаҳатини пулга сотиб олинг! Хе-хе-хе! Хе-ха-ха!

Олчин БЕК.

фарқлаш учун ..."

– Эсингиз жойидими, акаҳон?! – зардам қайнай бошлади. – Мен ёзувчиман деяман! Гўштингизни бошимга ураманими?

– Бунақа ҳаяжонлиб кетманг-да, биродар, – акам ўзини оқлаган бўлди. – Хозир топамиз, сизга тегишлисини. Шогирдлар ёш-да, ҳаммасини аралаш-қуралаш қўлиб юборибди. Ха, мана, топдик. Ёзамиз: "Кўчатнинг илдиэ томони



лаб ювсамиз..."

Оғзим очилиб, ёзаётган рўчкам қўлимда қотиб қолди.

– Хов, биродар, нима-лар деясиз? – дедим жон ҳолатда.

Гапни бўлманг! – сўзимга қўлоқ солмай давом этди: – "Қўлни тоза-лаб ювгач, уни оппоқ со-чиққа артамыз. Оғзимизга доқа ёки тоза материалдан тайёрланган нибобни тақа-мизда, болани эмишнинг бошлаймиз". Ёзаёспизми?

Ҳажвия
ТИЛЛОГА ТЕНГ
МАСЛАҲАТЛАРТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.

Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шахри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Улуғбек ҲАМРОКУЛОВ

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДХҲАЕВ

Ҳафтининг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Нашр индекси – 205.

Буюртма Г-1040. Адади 4177.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.

2 3 4 5